

Истеъмол кайфияти шарҳи

2021 йил IV чорак

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2022 йил

Истеъмол кайфияти шарҳи

Марказий банк томонидан жорий йил январь ойида турли соҳа вакилларининг **2021 йилнинг IV чораги якунлари** бўйича истеъмол кайфиятини ўрганиш бўйича навбатдаги онлайн сўровлар ўтказилди ва унда **2,5 мингга** яқин респондентлар иштирок этди.


Ушбу шарҳ респондентларнинг даромадлари ва истеъмол харажатлари таркиби, пул-маблағларини жамғаришга бўлган мойиллиги, келгусидаги харажатлари, шунингдек, кредитга бўлган эҳтиёжларини ўрганиш ва таҳлил қилишга қаратилган.

Бундан кўзланган мақсад, аҳолининг турли қатламлари келгусида истеъмол кайфияти ва талабини шаклланиши ҳамда уларга таъсир кўрсатувчи омилларни, шу билан бирга, иқтисодиётда талаб томондан инфляцион босимларнинг юзага келиш эҳтимолларини ўрганишдан иборат.

1. Истеъмол кайфияти индекси

2021 йилнинг IV чорагида **Истеъмол кайфияти индекси¹ (ИКИ)** йилнинг III чорагига нисбатан **0,8** бандга ошиб, **25,6** ташкил этди (*2020 йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 бандга юқори*).

1-расм. истеъмол кайфияти индекси



Ўтган чоракка нисбатан индекснинг компонентларида **харажат субиндекси** сезиларли ошганлиги, **даромад** ва **кредит субиндексларининг** эса пасайганлиги кузатилди.

¹ Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари истеъмол кайфиятидаги ижобийликни ифодалайди.

Шу билан биргаликда, **жамғариш субиндекси** сезиларли юқорилагани ижобий ҳолат бўлиб, муддатли депозитлар бўйича реал фоиз ставкаларнинг ижобий шаклланиши фонида аҳолининг жамғаришга бўлган мойиллиги ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Айни пайтда, жамғаришга бўлган мойиллик ошган шароитда истеъмол талабининг маълум бир даражада қисқаришининг кузатилиши ҳисобига Истеъмол кайфияти умумий индексида жамғариш субиндекси **пасайтурувчи аҳамият** касб этди.


Даромад субиндекси

Респондентларнинг келгусидаги даромадлари ошиши бўйича кутилмалари бироз пасайди.

Хусусан, аҳоли вакиллари келгуси даромадлари ошиши бўйича кутилмалари 2021 йил III чорак натижаларига нисбатан **8,8** дан **8,3** гача камайди.


Сўровда иштирок этган даромадлари **3 млн. сўмгача** бўлган респондентлар улуши жамига нисбатан **40 фоизни** ташкил этмоқда (III чорак якунлари бўйича - 39 фоизга тенг) (2-расм).

2-расм. Респондентларнинг келгусидаги даромадлари бўйича кутилмалари




Даромадлар кўпайиши бўйича кутилмаларининг бироз пасайиши, асосан, ушбу даврда вируснинг янги штаммини кенг тарқалиши, қиши мавсумида ўз-ўзини банд қилувчилар даромадидаги пасайишлар ва қишлоқ хўжалигидаги мавсумийлик жавоб берувчилар кайфиятида акс этгани билан изоҳланиши мумкин.

3-расм. Респондентларнинг ўртача ойлик даромадлари (бир оила учун)




4-расм. Даромадлар манбаси (соҳалар кесимида)




Иштирокчиларнинг **60** фоизи даромадларининг асосий манбаи ойлик иш ҳақи, **8** фоизи нафақалар ҳамда **7** фоизи шахсий томорқадан олинадиган даромадларга тўғри келишини таъкидлашган. Ундан кейинги ўринларни **кунлик даромадли ишлар ва тадбиркорлик соҳаси** орқали даромад топувчилар эгаллади.

Ҳудудлар кесимида расмий ойлик иш ҳақи Навоий (78 фоиз), Тошкент (76 фоиз), Андижон (73 фоиз), Бухоро ва Самарқанд (62 фоиз) вилоятларида умумий даромадлар таркибида юқори улушни эгаллаган.

5-расм. Келгуси 12 ой учун мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалар



6-расм. Келгуси 3 йилда мамлакат иқтисодиёти бўйича кутилмалари



Респондентларнинг мамлакатимиз иқтисодиёти истиқболлари бўйича кутилмалари 2021 йилнинг III чорагига нисбатан сезиларли даражада ўзгарган. Бунда, жами иштирокчиларнинг **53** фоизи келгуси 12 ойда мамлакатимиз иқтисодиётини яхшиланишини қайд этишган бўлса, **66** фоизи 3 йиллик истиқболларни ижобий баҳолашган.

Кредит субиндекси


Келгуси 12 ойда респондентларнинг янги кредитга бўлган талаби бироз камайиши кутилмоқда

Кредит субиндекси 2021 йилнинг III чорагига нисбатан **0,6** бандга камайиб, **9,4** ташкил этди. Ушбу ҳолат аҳолининг сўнгги йилларда **қарз юкининг** (кредит ва фоиз тўловлари) юқори суръатларда ошиши фонида янги кредит олишга бўлган иштиёқининг пасайиб бориши билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Сўровда қатнашган жами респондентларнинг **55 фоизи** келгуси ойларда янги кредит олишга эҳтиёжлари мавжудлигини таъкидлаган (2021 йилнинг III чорагида **60** фоиз).

Бунда, келгусида кредит олишни асосан **3 млн. сўмгача ва 3-5 млн. сўм даромадли гурӯҳ вакиллари мақсад қилишган**. Даромади **10 млн. сўмдан юқори аҳоли вакилларининг** эса кредитга бўлган талаби нисбатан паст даражада шаклланди.

7-расм. Даромадлар бўйича кредитга бўлган талабнинг шаклланиши



2021 йилда жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори 2020 йилга нисбатан **42 фоизга** ошди. Бунда, ажратилган микрокредитлар 87 фоизга, микроқарзлар 71 фоизга ва овердрафт кредитлари 97 фоизга ўсди.

Қатнашувчиларнинг келгусида даромадлари ўзгариши шароитида кредит олишга бўлган эҳтиёжлари ҳам турлича шаклланди. Бунда **аксарият даромади ошишини кутаётганлар** респондентлар томонидан кредит олишни режалаштирилаётганлигини билдиришган. Бу, бир томондан, кредит олиш ҳамда тўлашга лаёқатлилар синфи кенгаяётганидан дарак берса, бошқа томондан аҳоли қарз юки миқдорининг сезиларли ошиши мумкинлигини билдиради.

8-расм. Даромадлар бўйича кредитга бўлган талабнинг шаклланиши

		Келгусида янги кредитга талааб ўзгариши					
		ошади	бироз ошади	ўзгаришсиз қолади	бироз камаяди	камаяди	кредитга эҳтиёж мавжуд эмас
Келгусида даромади ўзгариши	кўпаяди	42%	19%	13%	3%	3%	19%
	бироз кўпаяди	30%	28%	19%	5%	3%	16%
	ўзгармайди	28%	20%	26%	3%	3%	20%
	бироз камаяди	23%	24%	16%	7%	11%	20%
	камаяди	37%	14%	14%	1%	10%	26%

Шу билан бирга, даромади камайиши мумкинлигини таъкидлаган респондентларнинг учдан бир қисми келгусида кредитга бўлган талабининг ошишини қайд этишган. Бу номутаносиблик келгусида қарзга хизмат қилиш бўйича муаммоларни юзага келтириши мумкин.

Харажат субиндекси

Жавоб берувчиларнинг асосий қисми келгусида харажатлари ошишини кутишмоқда


Келгуси ойларда харажатлар миқдорининг ўсиши бўйича кутилмалар **4,8** бандга ошиб, **12,7** га етди. Респондентларнинг катта қисми – **72** фоизи харажатларининг кўпайишини таъкидлашган. Харажатлари миқдори ўзгармайдиган қатламда эса ўзгариш кузатилмади.

*Маълумот учун 2021 йилнинг III чорагида харажатлар ўсишини кутганлар **71** фоизни ташкил этган.*

9-расм. Келгуси харажатларнинг ўзгариши бўйича кутилмалар

IV чорак

III чорак



IV чоракда иштирокчилар томонидан асосан, **даволаниш, уй-жой таъмири, таълим, оиласвий байрам тадбирларига** кўпроқ маблағлар сарфланган. Ўз навбатида, ушбу сўров қатнашчиларининг асосий қисми келгусида **уй-жой таъмири/хариди, автомобиль,**

маиший техника ва мебел харидини амалга оширишни режалаштироқдалар. Шунингдек, маълум бир харажатларнинг камайиши ёки оптималлаштирилиши ҳисобига **саёҳатга** борувчилар ва **тўй-ҳашам** ўтказишни режалаштирганлар кўпайиши мумкин.

10-расм. Йирик харидлар/харажатлар ўзгариши



Респондентлар орасида **даволаниш**, **таълим** ва **оилавий байрамларга** сарфланадиган харажатларнинг қисқариши кутилмокда.

Келгусида уй-жой таъмири/хариди, автомобиль сотиб олиш истагидагилар ва **тўй** қилишни режалаштирганлар сонининг ортиши истеъмол товарларига қўшимча талабни юзага келтирса, **саёҳатга** борувчиларнинг кўпайиши ички валюта бозорига талабни маълум даражада ошишига хизмат қиласи.


Жамғарыш субиндекси

Келгуси ойларда жамғарышни режалаштираётган респондентлар улуши күпаймоқда

Жамғарыш субиндекси ўтган чоракка нисбатан **3 бандга** күпайиб, **4,8** га тенг бўлди.

Сўровда қатнашганларнинг **53 фоизи** келгуси давр учун жамғармалари **кўпайишини таъкидлашган**. Ушбу кўрсаткич ўтган III чорак натижалари билан солиширилганда, ижобий жавоблар **1 фоиз бандга** ошган.

11-расм. Респондентларнинг жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари




Таъкидлаш жоизки, 2021 йилда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан барқарор шаклланиши, депозит бозорида тижорат банклари томонидан миллий ваютада жозибадор омонат турларининг таклиф этилиши аҳолининг бўш пул маблағларини жамғариш ҳамда омонатга йўналтиришни қўллаб-қувватловчи асосий омиллардан бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, жисмоний шахслар учун депозит фоиз ставкаларининг 2021 йил бошида **17 фоиздан** декабрь ойида **20,2 фоизгача** ўсан бўлса, реал даромадлик даражаси **8-9,5 фоизни** ташкил этди. Бунда, инфляцион кутилмаларга нисбатан ҳам ижобий 3-4 фоизлик реал ставкалар шаклланган.

Айни пайтда, аксарият респондентлар ўз жамғармаларига эга эмаслигини таъкидлашган.

Жамғармалари 1 ойгача етадиган респондентлар улуши 28 фоизни ташкил этган бўлса, 1-3 ойгача бўлган давр учун ушбу кўрсаткич 14 фоизга тенг.



Бироқ, жамғармалари мавжуд бўлмаган респондентлар улуши ўтган чоракка нисбатан **6 фоиз** бандга кўпайиб, жами иштирокчиларга нисбатан **48 фоизни** ташкил этди. Бу ҳолат ушбу даврда респондентлар томонидан истеъмол харажатларининг кўпайгани билан изоҳланиши мумкин.

Жавоб берувчилар даромадлари кўпайгани сари жамғармаларининг етарлилик муддати ҳам ошиб бораётганлиги кузатилди (13-расм).

14-расм. Респондентларнинг даромадлари ва жамғармалари ўзгариши бўйича кутилмалари

Келгусида жамғармаси ўзгариши					
	кўпаяди	биroz кўпаяди	ўзгаришсиз қолади	биroz камаяди	камаяди
Келгусида даромад ўзгариши	кўпаяди	56%	25%	11%	3%
	биroz кўпаяди	12%	49%	24%	9%
	ўзгаришсиз қолади	8%	18%	59%	9%
	биroz камаяди	7%	12%	22%	31%
	камаяди	5%	5%	20%	15%

Респондентлар даромадларининг ўзгаришини жамғариш кайфиятига таъсири ўрганилганда, **даромадлари ошишини кутаётганларнинг кўпчилик қисми** яқин истиқболда ўз жамғармалари ошиб боришини ҳам таҳмин қилишган. Шунингдек, пессимистик ҳолатда даромадлари камайишини таъкидлаганларнинг асосий қисми келгусида жамғармалари ҳам қисқариб боришини билдиришган.


Оптимистик ва пессимилик жавоблар индекси

Оптимистик ва пессимилик жавоблар индекси² бу респондентларнинг ижобий ва салбий жавоблари ўртасидаги фарқдир. Ушбу кўрсаткич сўровда иштирок этган респондентларнинг истеъмол кайфияти трендини баҳолашга ёрдам беради.

Респондентларнинг оптимистик ва пессимилик жавоблари индекси

IV чорак

III чорак



Респондентларнинг келгуси **12 ой** ва яқин **3 йилда** мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланиши бўйича кутилмалари сўралганда, оптимистик жавоблар кўрсаткичи фарқи мос равиша **29,3** ва **66,1** бандга (ўтган чоракда **29,8** ва **38**) тенг бўлди.

Шунингдек, респондентларнинг даромадлари, харажатлари ва жамғармалари ўзгариши борасидаги кутилмалари бўйича оптимистик ва пессимилик жавоблар тафовути ушбу чоракда ҳам мусбат кўрсаткични ташкил қилди.

Умуман олганда, **IV чорак** якунлари бўйича респондентларнинг **оптимистик ва пессимилик жавоблар** фарқи **33,9** бандни (ўтган чоракда ушбу кўрсаткич **32,3** бандни) ташкил этди.

² Индекс кўрсаткичи -100 дан +100 оралиғида бўлиб, кўрсаткич +100 га яқинлашгани сари оптимистик жавобларнинг улуши ортиб боради.